



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**4 (66) 2024**

**Сопредседатели редакционной  
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
А.С. ИЛЬЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**4 (66)**

**2024**

*апрель*

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616-006

## ЎПКА РАКЛАРИНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА УЧРАШ ЧАСТОТАСИ ВА УНИНГ ЖИНСГА ВА ЁШГА БОҒЛИҚЛИГИ

<sup>2</sup>Ортиқов А. <https://orcid.org/0009-0004-6712-2739>

<sup>1</sup>Юлдашев Б.С. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

<sup>1</sup>Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: [info@urgfiltma.uz](mailto:info@urgfiltma.uz)

<sup>2</sup>“Маъмун университети” Ўзбекистон Хоразм вилояти, Хива, Бол-ховуз 2.

тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

### ✓ Резюме

*Ўзбекистон республикаси онкология илмий-амалий маркази Хоразм филиалида ўпка раки диагнози билан даволанган 103 нафар беморнинг касаллигига оид материаллар жинс, ёш ва ҳудудлар бўйича таҳлил қилинди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики беморларнинг кўпчилиги қисмини Урганч шаҳри 21,4%, Хазорасп тумани 15,53%, Янгиариқ туманлари 12,6 % аҳолиси ташкил қилган, жинс бўйича эркаклар устунлик қилган бўлса 55,3% , ёш гуруҳлари бўйича устунлик 50-64 ёшлар орасида 39,8% кузатилди. Бу туманлар катта-кичиклиги, аҳоли сонига боғлиқ бўлмаган.*

*Калит сўзлар: ўпка раки, жинс, ҳудудлар, аҳоли, ёш.*

## ЧАСТОТА РАКА ЛЕГКОГО В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ПОЛА И ВОЗРАСТА

<sup>2</sup>Ортиқов А., <https://orcid.org/0009-0004-6712-2739>

<sup>1</sup>Юлдашев Б.С. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

<sup>1</sup>Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: [info@urgfiltma.uz](mailto:info@urgfiltma.uz)

<sup>2</sup>«Университет Маъмуна», Хорезмская область Узбекистана, г. Хива, Бол-ховуз 2.

телефон: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

### ✓ Резюме

*Проанализированы материалы 103 больных по полу, возрасту и регионам проживания, находившихся на лечении с диагнозом рак легких в Хорезмском филиале научно-практического центра онкологии Республики Узбекистан. Полученные результаты показали, что большинство больных составили жители города Ургенч 21,4%, Хазараспского района 15,53%, Янгиариқского района 12,6%, по полу преобладали мужчины 55,3%, а в среди возрастных групп преобладал возрастная группа 50-64 года (39,8%). Распространённость заболевания не зависят от численности населения регионов.*

*Ключевые слова: рак легких, пол, регионы, население, возраст.*

## FREQUENCY OF LUNG CANCER IN KHOREZM REGION DEPENDING ON GENDER AND AGE

Ortikov A., <https://orcid.org/0009-0004-6712-2739>

Yuldashev B.S. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

<sup>1</sup>Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: [info@urgfiltma.uz](mailto:info@urgfiltma.uz)

<sup>2</sup>“Mamun University”, Khorezm region Uzbekistan, Khiva, Bol-Khuvuz 2.

phone: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

#### ✓ *Resume*

*The materials of 103 patients, categorized by gender, age, and region of residence, who were undergoing treatment with a diagnosis of lung cancer in the Khorezm branch of the Scientific and Practical Oncology Center of the Republic of Uzbekistan, were analyzed. The results showed that the majority of patients were residents of the city of Urgench (21.4%), Khazorasp district (15.53%), and Yangarik district (12.6%). In terms of gender, men predominated (55.3%), and among the age groups, the age group 50-64 predominated (39.8%). The prevalence of the disease does not appear to depend on the population size of the regions.*

*Key words: lung cancer, gender, regions, population, age.*

#### Долзарблиги

Сўнги йилларда саноатнинг шиддат билан ривожланиб бораётгани дунё бўйича ўпка саратонининг кўпайиши, ўлим ҳолатларининг ошиши билан биргаликда бормоқда. Бундан 1 аср олдин ўпка саратони тўғрисида деярли маълумотлар йўқ эди, 50 йил олдин эса шифокорлар учун унчалик катта заҳмат туғдирмайдиган касалликлар қаторида эди, аммо ҳозирги кунда ёмон сифатли ўсма касалликлари орасида етакчи ўринга кўтарилиб олди.

Ҳозирги замон адабиётларида бу касалликнинг полиэтиологик характерга эгаллиги ва унинг географик омилларга, иқлим шароитларига, аҳолининг турмуш тарзига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд. (Непомнящих Л.М. ва бошқалар, 2000; Juk A.G. ва бошқалар, 2005; FongK. ва бошқалар, 1997).

Бу касалликнинг юзага келиши сабабларидан бири шубҳасиз чекиш бўладиган бўлса (Трахтенберг А.Х., Чиссов В.И., 2000), атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ҳам юқори аҳамиятга моликдир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак экологик ноқулай оролбўйи худуди Хоразм вилояти аҳолиси орасида ўпка саратонининг ривожланиш омиллари, маҳаллий урф-одатларга боғлиқлигини ўрганиш қизиқиш туғдиради, чунки оролбўйи худудларидан кутарилаётган туз бўронлари юқори ва пастки нафас йўллари шикастланишига ўз таъсирини ўтказиши эътирозсиз фактлардан биридир.

**Илмий ишнинг мақсади:** ноқулай оролбўйи худуди бўлмиш Хоразм вилояти худудида ўпка саратонининг учраш микдорини, жинслар билан боғлиқ тарафларини ўрганиб, таҳлил ўтказиб, зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

#### Материал ва текшириш усуллари

Материал бўлиб Республика онкология илмий-амалий маркази Хоразм филиалида 2020-2023 йилларда диспансер ҳисобида турган ва даволанишда бўлган беморларнинг амбулатор карталари, касаллик тарихлари, беморларни клиник текширувлардан ўтказиш натижалари, шунингдек операциялар вақтида олинган макропрепаратларни ва улардан тайёрланган микропрепаратларни текшириш натижалари олинди.

#### Натижа ва таҳлиллар

Хоразм вилоятида 2020-2023 йиллар давомида 103 нафар бемор ўпка раки касаллиги бўйича диспансер ҳисобида туриб даволанган. Уларнинг 57 нафарини эркаклар (55,3%) 46 нафарини аёллар (44,7%) ташкил қилади. Буларни ёшлар гуруҳларига тақсимланганда 18-34 ёш гуруҳида фақатгина бир ҳолатда эркаклар орасида касаллик кузатишган (0,97%), 35-49 ёш гуруҳида жами 20 нафар бемор кузатилиб (19,4%) ни ташкил қилган ва улардан 9 нафари аёллар (8,7%), 11 нафари эркаклар (10,7%) орасида кузатишган, 50-64 ёшдаги гуруҳда эса беморлар сони 41 нафарни (39,8%) ташкил қилган, бу гуруҳда касалланиш эркаклар орасида кўп кузатилиб 25 нафарни (24,27%) ташкил қилган бўлса аёллар орасида нисбатан кам учраб, 16 нафарни ташкил қилган (15,53 %). Қарилик ёшидаги 65-74 ёш гуруҳида касалланиш бироз камайган (30 та ҳолат -29,1 %) ва учраш жиҳатидан кўпроқ аёллар орасида кузатишган 17(16,5 %), эркакларда нисбатан кам учраш ҳолати кузатишган (13-12,6 %). 75 ва ундан юқори ёшдагилар орасида касаллик яна камайиб 11 та ҳолатда кузатишган (10,7%), улардан 7 нафари эркаклар (6,8%) 4 нафари аёлларни (3,9%) ташкил қилган. Жадвал 1.

Жадвал 1.

Жинси	18-34 ёш		35-49 ёш		50-64 ёш		65-74 ёш		75 +	
Эркаклар	1		11	10,7%	25	24,27%	13	12,6%,%	7	6,8%
Аёллар			9	8,7%	16	15,53%	17	16,5%	4	3,9%
жами	1	1 %	20	19,4%	41	39,8 %	30	29,1%	11	10,7%

Касалликнинг ўрта ёшдаги ва қариш жараёнидаги аҳоли орасида кўп учрашини ва бу категориядаги инсонлар орасида кўплаб сурункали касалликлар, чекиш ҳолатлари билан боғлиқ ҳолдаги пролифератив жараёнларнинг кўп миқдорда кузатилиши билан изоҳлаш мумкин бўлса, ёш ўтган сари касалликнинг камайиб боришини беморларнинг шу касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмиши билан тушунтириш мумкин.

Ўпка раklarининг Хоразм вилояти ҳудудлари бўйича учраши таҳлили шуни кўрсатдики касалликнинг юзага келиш ҳолатлари аҳоли сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келган, масалан аҳоли сони жихатидан кам бўлган Янгиариқ туманида 13 та ҳолат (12,6 %), Гурлан туманида 3 та ҳолат (2,9%) га нисбатан касалликнинг учраши 4 баравардан кўпроқ миқдорда кузатилган. Касалликнинг энг кўп учраш миқдори Урганч шаҳри аҳолисида 22 та ҳолат - 21,35%, эркаклар -14 та ҳолат, аёллар -8 та ҳолат ва Хазорасп туман аҳолисида 16 та ҳолат – 15,53%, фарқли ўлароқ аёлларда кўпроқ кузатилган 10 та ҳолат, эркакларда 6 та ҳолат, Янгиариқ туманида 13 та ҳолат (12,6%), Шовот ва Урганч туманларида 8 тадан ҳолатда (7,8%+7,8%), Хива туманида 7 ҳолат (6,8%), Боғот, Янгибозор туманларида 6 та ҳолатдан (5,8%+5,8%), Хонқа, Кўшкўпир туманларида 5 та ҳолатдан (4,9%+4,9%), Тупроққала, Гурлан туманларида 3 та ҳолат (2,9%+2,9%). Юқори кўрсаткичга эга бўлган иккала ҳудуддаги касалланишни бошқа ҳудудларга қараганда кўпроқ саноат комплексларини ўз ичига олганлиги билан боғлаш мумкин. Жадвал 2.

Жадвал 2.

Ҳудудлар	Абсолют сонда	Фонзларда
Урганч шаҳар	22	21,4%
Урганч тумани	8	7,8%
Тупроққала тумани	3	3%
Хазорасп тумани	16	15,6%
Боғот тумани	6	6%
Хонқа тумани	5	5%
Янгиариқ тумани	13	12,6%
Хива тумани	7	6,8%
Кўшкўпир тумани	5	5%
Шовот тумани	8	7,8%
Гурлан тумани	3	3%
Янгибозор тумани	6	6%
<b>Жами</b>	<b>103</b>	<b>100%</b>

Жадвал.3

Ҳудудлар	Эркаклар		Аёллар	
Урганч шаҳар	14	13,6%	8	7,8%
Урганч тумани	6	5,8%	2	1,94%
Тупроққала тумани	2	1,94%	1	1,94%
Хазорасп тумани	6	5,83%	10	9,7%
Боғот тумани	5	4,86%	1	0,97%
Хонқа тумани	4	3,9%	2	1,94%
Янгиариқ тумани	7	6,8%	6	5,83%
Хива тумани	5	4,86%	2	1,94%
Кўшкўпир тумани			5	4,86%
Шовот тумани	3	2,9%	5	4,86%
Гурлан тумани	1	0,97%	2	1,94%
Янгибозор тумани	4	3,9%	2	1,94%
<b>Жами</b>	<b>57</b>	<b>55,3%</b>	<b>46</b>	<b>44,7%</b>

Касалликнинг туманлардаги учрашени ёшлар кесимида тахлил қилганимизда 35-49 ёш гуруҳидаги беморлар кўпроқ Хазорасп ва Урганч шаҳрида 4 тадан ҳолат, 50-64 ёш гуруҳидаги беморлар Урганч шаҳри (10 та ҳолатда), Янгиариқ, Хазорасп (6 тадан ҳолат), Хива (4 та ҳолат) туманларида учрагани қайд қилинган бўлса, 65-74 ёш оралиғидаги беморлар кўпроқ Хазорасп тумани (5 та ҳолат) ва Урганч (4 та ҳолат) шаҳарларида кузатилди, 75 ёшдан ошган беморлар кўпинча Боғот (5 ҳолат), Янгиариқ (2 ҳолат), Янгибозор (2 ҳолат) туманларида қайд қилинди. Жадвал 3.

Жадвалдан кўриниб турганидек касалланиш ҳолати Хазорасп, Кўшкўпир, Шовот, Гурлан туманларида эркакларга қараганда аёлларда кўпроқ кузатилган.

### Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ўпка раклари худуддаги аҳоли сонига боғлиқ бўлмасдан, балки аҳолининг урф-одатлари, атроф-муҳит ҳолати (канцерогенез таъсири), беморларнинг зарарли одатлари (чекиш) каби омилларга бевосита боғлиқ, шунингдек худудлардаги саноат корхоналарининг атроф-муҳитга чиқараётган зарарли чиқиндилари ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Непомнящих Л.М., Левицкий В.А., Непомнящих Г.И. и др. Патоморфологический и эндоскопический анализ крупных бронхов при раке легкого // Бюл. экспер. биол. 2000;129(3):347-354.
2. Трахтенберг А.Х., Чиссов В.И. Клиническая онкопульмонология. / М., 2000;600.
3. Fong K., Biesterveld E., Virmani A. et al. FHIT and FRA3B 3p 14.2 allele loss are common in lung cancer and preneoplastic bronchial lesions and are associated with cancer-related FHIT cDNA splicing aberrations // Cancer. Res. 1997;57:2256-2267.

Қабул қилинган сана 20.03.2024